

ЭЗГУ НИЯТЛАРНИ САРОБГА АЙЛАНТИРГАН ДИЁР, ЁХУД....

Холмирзаев Хайитбой Дедахониш
holmirzayev65@gmail.com.
Низмий номидаги ЎзМПУ.

Аннотция: Мазкур мақолада Афғонистонда истиқомат қилувчи этник ўзбек(диаспора)лар ва Чор Россияси Марказий Осиёни забт этгандан сўнг, собиқ иттифоқ барпо этилгач, Афғонга кўчган ўзбекларнинг ижтимоий -маданий турмуш даражаси феномени қиёсий таҳлил қилинади. Норасмий ижтимоий-иқтисодий тармоқлар: ватандошлик, жамоатчилик, яқин қондош (қариндош)лик ва оилавий алоқаларини сақлаш, тил, анъана ҳамда диний амалиётлар воситасида этномаданий ўзига хосликни қайта тиклаш ва мослашув механизмларини ўрганилади.

Турли тил, эътиқод ва минталитетга эга бўлган этник гуруҳ, миллат ва халқларни бир ҳудудда диний ва маданий бағрикенг(толерант)лик тамойили асосида яшаш, жамиятда ижтимоий-иқтисодий стратегиянинг устиворлиги, яъни маданий интеграцияни намоён қилади. Шунингдек, чекланган ресурслар, институционал тўсиқ ва этносиёсий кескинлик шароитида этномаданий амалиётларни сақлаш билан жамиятни: аккумуляция, трансформация ва диффузия каби ходисалардан муҳофазалаш устиворлик касб этади.

Калит сўзлар: Этник ўзбеклар, диаспора, миграция, мусофир, мослашиш, ижтимоий, иқтисодий, стратегия, маданият, ўзига хослик, Афғонистон: Қобул, Балх, Жалолобод, Фарёб, Сарипул, Қундуз, Тохар, Боғилон, Самонгон, трансмиллий муносабатлар, этносиёсий жараёнлар, интеграция, аккумуляция, трансформация, диффузия.

Адабиётлар таҳлили. К.Ш.Шониёзовнинг “К этнической истории узбекского народа (1974)”, “Кангы и кангское государство (1990.)” ва “Государство карлуков и карлуки (1999) монография нимидан маълумки рус тилида чоп этилган. Аммо бу ҳозирда илмий муомилага яроқсиз дегани эмас, монографияда нафақат ўзбек халқи, балки Марказий Осиё минтақаси халқлари ҳаётига оид қадимий тарихий қўлёзма, илмий ва этнографик манбаларни қиёсий таҳлиliga асосланган. Бироқ тарихий фактларни илмий асослашда собиқ иттифоқнинг Марказий Осиё халқлари, хусусан туркий тили миллатларга нисбатан маданий–мафкуравий қарашларида мустамлакачилик сиёсатининг таъсири ўз аксини топган.

Илмий асарда ўзбекларнинг этногенези: этник гуруҳдан миллат сифатида шаклланиб, ривожланиши, асосан собиқ иттифоқда олиб борилган археологик тадқиқотлар, қадимий қўлёзма ва манбалар билан чекланилган.

Уша давр сиёсати ва мафкурасига кўра хориж тадқиқотчилари илмий асарларига нисбатан ғайрича қаралган. Шу боис мазкур мақолада кўтарилган илмий муаммони тадқиқ ва таҳлил қилишда жаҳонда ҳамда юртимиз олимлари томонидан нашр қилинган илмий асарлар, қиёсий тарзда ўрганишдан илмий ҳақиқатга эришилади.

Назарий қисм. Россия –Украина, Исроил –Фаластин ва Исроил-Эрон ўртасида рўй бераётган қуроли қон тўқиш, вайрон қилиш ва очлик-қашшоқликни рўй бериши, фақатгина ҳозирда юзага келган муаммо эмас. Агар инсоният тарихига назар солсак: шаҳар, юртларни вайрон қилиш, беҳудага қон тўқиш ва очлик -қашшоқлик каби воқеалар доимо содир бўлганига гувоҳ бўламиз. Яқин ўтмишда Усмонли турклари, кўп вақт Европа устидан ҳукмронлик қилди, турклар узокроқ вақт ҳукмронлигини сақлашга ҳаракат қилган бўлса, ўз ўрнида европаликлар ҳам озод бўлиш учун турли режалар ишлаб чиқишди. “Инсоният тарихида XV-XVIII асрлар “Буюк кашфиётлар асри” даври сифатида европаликлар, юртларида юқори талабга эга бўлган товарлар манбасини излаш мақсадида янги савдо йўли ва шерикларини топиш учун Африка, Америка, Осиё ҳамда Океания каби янги денгиз йўлларини кашф этдилар” [1].

Тарихчилар одатда “Буюк географик кашфиётлар”ни аслида португал ва испан савдогарлари: олтин, кумуш ва зиравор каби бойликка эга бўлиш учун “Ҳиндистон”га ҳавфсиз ва бехат муқобил, савдо йўлларини излаб топишни узок машақатли денгиз саёҳатлари билан боғлашади. Қимматбаҳо бойликларни қўлга киритиш учун янги минтақаларни кашф этиш мақсади, инсоният бошига қуллик даҳшатини ҳам солди. Янада кўпроқ бойликка эга бўлишнинг янги босқич, тур ва шаклларини уйлаб топишнинг кенг-қўламли иқтисодий модели юзага келган.

Тарихдан маълумки, “Бобур ва авлодлари, маърифатли ва адолатли ҳукмдор сифатида, илм-фан, санъат ва бунёдкорлик ҳомийси бўлиб, улар минтақа зиёлиларни бирлаштирди. Майда давлатларни бирлаштириб, империя бунёд этишда, турли тил, диний эътиқод ва минталитетга эга аҳолининг диний бағрикенгик тамойилига кўра, юрт равнақи йўлида бирлаштирди. Бобур хусусан, ҳинд динларидаги “каста” табақаланиш ва эри вафот этган бева аёлни, майит билан ёқиш каби мудхишларга барҳам бериб, ҳеч бир дин инсони ноҳақ тарзда яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилолмаслигини, қонуний тарзда тақиқлаган” [2]. Минтақада нафақат ички балки, қўшни давлатлар билан ҳар томонлама вазиятини барқарор қилиб, халқаро савдо алоқаларини ривожлантиришга кўплаб имкониятлар яртади. Бобурийлар, карвонсарой, кутубхона, мактаб ва шифохоналар

барпо этиб, хусусан Шарқ меъморчиликда: Мовароуннаҳр, Хуросон ва Табриз каби етакчи услубларни Ҳинд меъморчилиги билан бирлаштириб, сохани янада бойитишга хисса қўшган. Ҳинд олими Трипати Рам Просад: “Заҳируддин Муҳаммад Бобурнинг Панипатдаги ғалабаси Ҳиндистонда Буюк Муғул, Бобурийлар империясининг пойдеворини қўйди, бу империя ўзининг улуғворлиги, қудрати ва маданияти билан мусулмон дунёсидаги энг буюк империя бўлиб қолди ва ҳатто Рим империяси билан рақобатлаша оларди”- дея ёзган эди [3].

Аммо, кунлар, ойларни қувлаганидек, асрлар кўплаб йилларни ортда қолдирганидек, тузумлар ўзгаради, бироқ инсонларда бойлик ва ҳукумронликка бўлган интилиш ҳамда курашлар учун турли баҳона ҳамда сабаблар топилаверади. “Бироқ, сўнгги ўн йилликда, Бхаратия Джаната партияси айниқса, ҳинд миллатчилигини кучайтириш фонидаги муносабатлардан вазият янада сиёсийлашди: -Ҳиндутва билан боғлиқ партия ва ҳаракат аъзолари Бобур ва Бобурийларни “ҳинд” ҳукмдори эмас, балки хорижий босқинчи сифатида кўришади. Бобурийлар барпо этган масжидни бузиб, ўрнига маъбад қуриш эпизодига алоҳида эътибор қаратилса, ҳинду ва мусмонлар ўртасида тарихий хотира ҳақидаги мунозараларни келтириб чиқарди” [4].

Жумладан, Афғонистонда истиқомат қилувчи этник ўзбеклар (автоктон аҳоли) ва Марказий Осиё(турли тарихий даврларда)дан кўчган ўзбек (диаспор)ларни таққослаш, битта этник гуруҳ ўртасидаги фарқларни аниқлаштириш имкониятини беради. “Афғонистоннинг ўзбек уруғлари, Бақтрия аҳолиси билан яқин алоқада бўлган туркий аҳолидан иборат бўлиб, қадимдан II минг йилдан ортиқ вақт мобайнида Қобул, Балх, Жалолобод, Фарёб, Сарипул, Қундуз, Тохар, Боғилон ва Самонгонда яшаб келган” [5].

Темур наслидан бўлган, Ҳирот ҳукмдори султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий Ҳиротни ҳар томонлама тараққий этиргани боис, этник ўзбекларнинг мавқеини оширди. 1504-йилда З. М. Бобур Қобулни ишғол қилгач, ўз давлатининг пойтахти деб эълон қилиб, Сафавийлар забт ўтгунга қадар, Бобурий империяси кўл остида бўлгани сабаб, этник ўзбекларни мавқе ўзга миллатларга нисбатан мартабали бўлган эди. Шундан этник ўзбеклар, деярли 3 аср мобайнида юқори мартаба ва юсак обрӯ-эътиборга эга бўлди, аммо тангани иккинчи томони бор, этник ўзбеклар ўртасида уруғ ажратиш ва табақаланишни келтириб чиқариб, ўзаро муносабатларда ҳам бегоналашувларга сабаб бўлди. XI–XIV асрларда афғон (пуштун) қабилалари асосан чорвадор-деҳқон сифатида фаолият юритганлар, аммо уларнинг аксарияти жанговар кўчманчилар бўлиб, қўшни Эрон ва Ҳинд ҳукумдорларига ёлланма қўшин сифатида хизмат қилган эди. Бироқ улар,

хеч бир ҳукумдорга бўйин эгмай, ўз озодлик ва эркини ўлимдан ҳам устувор кўйишар эди. “Афғон (пуштун) қабилалари ўртасида феодал муносабат-ларнинг ривожланиши, бирлашиши учун ички шарт-шароитларни яратди. XV-XVIII аср мобайнида Бобурий (Буюк муғул)лар Ҳиндистонда ҳукумронлик қилди, 1857-йилда Британия бу юртни мустамлака қилиши туфайли Бобурийлар империяси кулади. Шунингдек, Эрон давлатини ҳам куллаши, мустақил Афғон давлатининг шаклланиши учун шарт- шароит пайдо бўлди” [6].

XX асрнинг биринчи чораги, биринчи жаҳон уриши келтирган, вайроналар, қашшоқлик ва дарбадор ҳаёт туфайли дунё халқларининг миграциясига сабаб бўлди. Аввалги “қочоқ”лар воқеаси унит бўлиб улгурмай, иккинчи жаҳон уруши боис, воқеалар янгича тус олиб, янги “қиёфа” кашф этиб, диаспораларнинг сонини ортишига сабаб бўлди. Тарихдан маълумки, “Буюк Британия империяси: Шимолий ва жанубий Америка, Австралия, Осиё, Африка, АҚШ, Канада, Австралия, Ҳиндистон, Нигерия ҳамда Мисрнинг айрим ҳудудлари устидан ҳукумронлик қилган. Лекин, Афғонистони ҳам эгаллаш мақсадида кўп бора ҳужум қилган” [7].

Биринчи жаҳон урушининг келиб чиқиши сабаблари тўғрисидаги қисқача маълумотга кўра етакчи давлатлар ўртасида янги мустамлака, бозорлар ва дунёни қайта тақсимлаш ҳамда ҳарбий-сиёсий блоклар борасидаги кескинликларнинг кучайиши натижасида юзага келди.

Афғон урушлари. 1839-йилда Буюк Британия ва Афғонистон амирлиги ўртасидаги уруш давомида Ҳиндистон ҳудудида фаолият юритган Британияликлар, Ҳиндистон хавфсизлигини Россиядан муҳофаза этиш учун Афғонистон устидан назоратни қўлга киритишга ҳаракат қилди. Инглизлар, ўз тарафдори “Шоҳ Шужани Афғон ҳукумдори бўлишига эришди, аммо икки йилдан сўнг улар Дўст Муҳаммадни амир сифатида тан олиб, минтақани тарк этишга мажбур бўлишди. Иккинчи уруш, 1879-йилда бошланди: Британия босими остида амир Кобулда Британия миссиясини жойлаштиришга рози бўлди, аммо ўша йили афғон армияси исён кўтариб, миссия йўқ қилинди. Британия яна кўшин юбориб, Кобулни эгаллади, шундан сўнг Абдурахмон амир сифатида тан олиниб, инглиз армияси Афғонистонни тарк этди. Учинчиси эса 1919-йилда, амир Омонуллоҳ Хон Афғонистон, Британиядан тўлиқ мустақиллигини эълон қилганида бошланган эди” [8].

Дунёнинг кам тараққий этган мамлакатларини эгаллаш, сиёсатидан четда қолмаслик учун XIX асрнинг сўнги чорагида Чор Россияси, Марказий Осиёни забт этишидан, юримиз аҳолисининг Афғонистонга кўчишининг иккинчи “тўлқини” бошланган. 1917-йил Россияда больше-

виклар инқилоб қилди, собиқ империя таркибига кирган мамлакатларда беҳуда қон тўкиш, қашшолик ва очарчиликлар, юртни вайрон қилиб, осойишта ҳаётни издан чиқарди. Шу боис кўчиш, аниқроғи “қочоқ”лар сони ортди, мазкур ҳолат 1930-йилгача давом этди, бироқ қутилмаган “меҳмон” ёки “қочоқ”ларни Афғонистон, ўзлари кутганидек қаршиламади.

“Афғон этник ўзбек(автоктон аҳоли)ларининг бу каби хатти-ҳаракат, балки яшаш учун курашдир, бироқ аралаш никоҳларни кўпайиши туфайли, миллатлараро муносабатларда: маданий интеграция, маданий диффузия ва маданий трансформация ходисаси авж олди” [9].

Бу каби объектив ва субъектив сабаблар боис, этник ўзбеклар давлат ишларидан четлатилди, фақат кичик амалдорлар ўз вазифасида қолди. Давлат бошқарувида асосан пушту ва дари тилли миллат вакиллари, катта лавозим эгаллаган, айрим этник ўзбеклардан бўлган, собиқ амалдорлар, савдогарлик қилиш ёки ер мулкида одам ёлаб деҳончилик қилишга киришди. Баъзилари эса маҳаллий миллатдан бўлган, амалдорлар билан совға(бойлик) эвазига ҳамкорлик қилишга ёки қуда андачиликдан яқинлик қилишга ўтишди.

“Маданий трансформация, ижтимоий ходиса сифатида жамиятда турли тил, қадрият ва анъаналарга эга бўлган турли миллат вакиллари миллатлараро муносабатларда маданий ўзгаришларда фундаментал қадрият, эътиқод ва миллий анъаналарни ўзгартиришнинг чуқур, яхлит жараёни. Одатий ҳолатларни қўллашдан фарқли ўлароқ, у одамларнинг фикрлаш тарзи ва тизимнинг ўзгартириб, янгича шарт-шароитларга мослашиш учун қайта тузади” [10].

Марказий Осиёдан кўчиб келган ўзбек(туркий)ларга янги маконда: тил, ўзгача муҳит ва нотаниш ижтимоий-иқтисодий муаммоларга кўникмай туриб, яна янгилари пайдо бўлди. Жумладан кўчиб келган ўзбек(туркий)ларнинг бойлари ҳам савдогарлик билан машғул бўлиши, этник ўзбекларга рақобатчи бўлиш саналарди. Кўчиб келган ўзбекларнинг кўпчилиги ерни ижрага олиб ишлаши туфайли, ижара ҳақини ошишига сабаб бўлгани ижрачи деҳқонларга ҳам маъқул келмади. “Маданий диффузия – ижтимоий-маданий ходиса сифатида турли этник гуруҳлар ўртасида турли маданий элементлар(ғоя, услуб, технология, тил ва, урф-одатлар)нинг ўзаро яқин алоқаси. Шу каби, ижтимоий-маданий муносабатлардан юзага келувчи жараёнларни оммалашуви, тарқалиши ва қабул қилиниши. Мазкур ижтимоий-маданий хусусиятларнинг бир марказдан бошқасига таъсиридан, мезбон маданиятни бойитиши ёки ўзгартириш механизми” [11].

Собиқ (империя) иттифоқ босими туфайли Афғон ҳукуматининг кўчиб келган ўзбек(туркий)ларга бўлган муносабати маҳаллий аҳоли билан яқинликка раҳна солди. Британия мустамлакаси бўлган Ҳиндистонда ҳам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳволнинг оғирлиги, Афғонистонга ҳам таъсир ўтказмай қолмади. Чунки, дунё халқлари аввалги урушнинг асоратларини бартараф қилмай туриб, Европада Германия, Италия ва Япония янги урушга тайёрланарди. Бу тарздаги сиёсий беқарорликлар жаҳон халқларини чуқур таҳликага солди.

“Айниқса, “қочқин” ўзбеклар масаласида собиқ иттифоқ, этник ўзбеклар ва кўчиб келган ўзбекларни ўзаро яқинлигини истамасди, шу боисдан Афғон давлатига кучли босим ўтказди. Чунки, этник ўзбеклар ва “кўчиб” келганларни бирлашуви, Афғон ҳукуматига куч бериб, собиқ иттифоққа катта ҳавф туғдиради- деган сиёсатни олға сурган эди” [12].

Афғонистоннинг этник ўзбеклари лингвомаданий хусусияти қўйидагича тавсифланади:

Шимолий Афғонистоннинг этник ўзбеклари, қарлуқ лаҳжасида сўзлашиб, улар она тилидан ташқари, ўзга миллатлар билан муносабатда ҳинд-эрон тили оиласига кирувчи пушту ёки дари тилида ҳам мулоқот қилади. Мазкур лаҳжада сўзловчи этник ўзбеклар, маҳаллий ўзбекларнинг энг катта қисмини ташкил этиб, ушбу лаҳжа генетик хусусиятига кўра уйғур тилига яқин. Шунингдек, ушбу худудда яшовчи, пушту- дари тилида сўзловчи аҳоли вакилларининг аксарияти ўзбек тилида ҳам мулоқот қилади. Чунки миллатлараро муносабатдан ўзбек тили лингвомаданий интеграция таъсирида араб-форис тилида кўп фойдаланувчи сўзлар ўзлашган.

Афғонистоннинг этник ўзбеклари сўзларидан намуна:

-араба, авто улов (енгил ва юк машина бир хил).

-мардум, халқ, жамоа, бу сўз пушту тилидан ўзлашган.

- улов, ҳайвон(туя, от, эшак, хўкиз ваҳоказо) қўшиладиган арава.

-пут, оёқ-бу сўз ҳам пушту тилидан ўзлашган.

-сифра, бир рақами-бу сўз ҳам дари тилидан ўзлашган.

-сағир-етим, бу сўз пушту-урду тилидан ўзлашган.

-қаролар, шўрлик, бечора ва камбағал маъносида келади.

-ал, инсоннинг қўли, бу сўз- ўзлашма, кўрама сўз.

-баср, кўзи ожиз, кўрнамак, маъносида ҳам келади.

-нигорон, бу сўз кутириш маъносида келади.

-қаролик- бу сўз, қўлланиш ўрнига кўра маъноси ўзгаради, мардумга қаролик тушди (халқнинг бошига қора кун келди)-“қора кун” фалокат

маънисиди келади. Шунингдек, жанбий Афғонистон ва бошқа хуудларида истиқомат қилувчи этник ўзбекларнинг ижтимоий маданий турмуш тарзига кўра, лингвомаданий хусусиятида айрим фарқлар учрайди. Постсовет давлатлари аҳолисининг ташқи ва ички можаролари сабаб, оғир ижтимоий-иқтисодий шароитга дуч келаётгани учун оғир шароитга тушуши туфайли мигрантларнинг янги оқими пайдо бўлмоқда. “...Ҳар қандай воқеа ёки ҳодиса макон ва замон ҳодисасига кўра, ҳеч қачон ўз – ўзидан юз бермайди, балки макон таъсирида шаклланиб, ривожланади, бироқ унинг ижобий ёки салбийликка юз тутиши, мавжуд объектив ва субъективлик таъсирида юзага келиш ҳамда юз беришдир” [13].

Афғонистон чегараларининг шаклланишида Британия ва Россия империялари ўртасидаги рақобат шароитида этник ўзбеклар ва Марказий Осиёдан кўчган кам сонли ўзбек этник жамоаларнинг бўлинишига олиб келди. Натижада, Афғонистонда бўлинган халқ(ҳазоралардан ташқари)лар ҳукмронлик қилади, уларнинг аксарияти, қоида тариқасида, қўшни давлатлар (Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистон ва Хитой) таркибида бўлган: пуштун, балуж, тожик, ўзбек, қозоқ, туркман ва қирғизларни ўзаро бирлашишини истамасди.

Бу эса марказдан қочувчи тенденция, яъни хорижий этник гуруҳларга нисбатан тортишиш кучини келтириб чиқарди. Бу жараёнлар қўшни давлатларнинг Афғонистон ишларига аралашшига олиб келади. Юқорида келтирилган воқеа ва жараёнлар Афғонистонда яшовчи, турли тил, ижтимоий –маданий турмуш даражасига эга бўлган.

Афғонистонда диний айримчиликлар. Бу тарздаги манзара нафақат этник чегаралар бўйлаб, балки алоҳида миллий тузилмалар ичида ҳам мавжуд бўлган диний, лингвистик ва маданий фарқлар мажмуаси билан тўлдирилади. Аксарият пуштун, тожик, ўзбек, туркман, нуристонлик, балуж, араб ва айрим чораймаклар (жами аҳолининг 85%) сунний исломнинг ҳанафий мазҳаби томонидан бирлаштирилган. Бадахшон ва Парвон тоғлик тожик (Помир халқлари)лари, қирғиз ва баъзи чараймак (жами 1 миллиондан ортиқ киши)лар исмоилийлардир. Ҳазораларнинг асосий гуруҳи шиа-имомийлар, айрим камсонли гуруҳлар исмоилийлар мазҳабига мансуб.

Қизилбаш, афшар ва теймурилар, Пуштунларни тури ва жажи, Тирахнинг Орказай қабиласи, юқори Куррамнинг Бангаш қабиласи ҳамда Африди қабиласининг Мани каби айрим уруғлари ҳам шиалар қаторига киради. Ҳинд жамоати ҳиндуизм ва сикхизм издошларига бўлинади. ўртасида бўлинган. Пуштун қабиласида Қодирия ва Нақшбандия суфийлик орденилари тарафдорлари бўлганидек, ҳазора, сикх, ҳинду ва

тоғлик тожик жамоаларини диний бўлиниши, динлараро яккаланишни кучайтириб, миллатлараро консолидацияга тўсқинлик қилади. Ҳазоражот ва Бадахшоннинг айрим ҳудудларида аҳолининг катта қисмини ташкил этувчи исмоилийлар, сунний (пуштун) ва шиаларни аралаш истиқомат қилиб, улар ўртасидаги тафовутлар, этник зиддиятларни кучайишига сабаб бўлади.

Тил- этник ўзига хосликнинг муҳим белгиси сифатида хизмат қилади. Афғонистон аҳолисининг хилма-хил таркиби, миллатлараро мулоқотдаги қийинчиликларнинг табиий ва объектив сабабидир, чунки этник парчаланишни, лингвистик парчаланиш билан тўлдирилади. Минтақа аҳолиси 30 та тил: эрон, ҳинд-арян (хинд), туркий ва нуристоний (дардик) тили ва лаҳжаларида мулоқот қилади. Шундан мамлакат аҳолиси долзарб тил муаммосига дуч келиб, пушту ва дари тилида сўзлашувчиларни ўзаро қарама-қаршилигига сабаб бўлади.

Мамлакатда шимолий - шарқдан, жанубий - ғарбгача чўзилган Ҳиндукуш тизмаси, Афғонистонда икки асосий тилининг тарқалиш ҳудудлари ўртасида ўзига хос чегара бўлиб хизмат қилади. Афғонистонда пушту тили титул миллатнинг тили бўлса, дари тили миллий озчиликларнинг тили ҳисобланади. Минтақадаги лингвистик хилма-хиллик туфайли, кўпчилик икки ва ундан ортиқ тил ёки бир нечта маҳаллий вариантларини келтириб чиқаради.

Хулоса ўрнида. Ушбу асрнинг иккинчи чорагида иккинчи жаҳон уруши сабабли, аввалги унитиб улгурилмаган “қочоқ”лар воқеасининг кучайиши туфайли этник диаспоралар муаммоси айниқса кескинлашди. Диаспоралар сонининг кўпайиши “дунёнинг диаспоризацияси” ҳақида баҳс юритишга сабаб бўлмоқда ва баъзи тадқиқотчилар замонавий дунё“ давлатлар йиғиндиси эмас... балки диаспоралар йиғиндиси” дея ҳисоблашади. Мақола мавзусига нисбатан қиёсий ёндашув бизга турли сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий-маданий шароитларда ўзбек диаспораларининг мослашувчан хатти-ҳаракатларининг ҳам универсал, ҳам ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Миграциянинг экстремал шароитларида мослашиш мураккаб, ташқи чеклов ва этник ҳамжамиятнинг ички ресурслари ўртасидаги динамика ўзаро таъсир жараёнини ифодалайди деган хулосага келиш мумкин.

Адабиётлар

1. Малов В.И. Великие географические открытия.-М.: Юрайт, -2018, - 358 с.

2. Азимджанова С. А. Государство Бабура в Кабуле и в Индии.-М.: Наука (ГРВЛ), 1977. -176 с.
- 3.Коргун В.Г. История Афганистана. Монография. -М.: Юрайт, -2014, -529 с.
- 4.Мухаммед Али. Афганистан: Прошлое и настоящее.-М.: Географгиз, -2015, -586 с.
5. Жигалина О.И. Великобритания на Среднем Востоке XIX - XX в. - М.: Наука, 1990.- 166 с.
6. Асадуллаев К. Истории Ирана и Афганистана. –М.: Мир света, -2007, 170 с.
7. Габитов Т. С. Культурология, учебник. Алматы: ТОО «Лантар Трейд», 2019. - 402 с.
8. Антонова К. А., Бонгард-Левин Г. М., Котовский Г. Г. История Индии. М.: Мысль, 1973. - 558 с.
9. Холмирзаев Х.Д., Кадирова Я.Б., Кадирова Х.Б., Маданиятсхунослик. Оьқув қоълланма, -Т.:ТДПУ, 2022, 189.
10. Баландье Ж. Политическая антропология. М.: Научный мир, 2001.-204 с.
11. Холмирзаев Х.Д. Маданиятсхунослик. Дарслик. -Т.: -2014,-186 б.
12. Холмирзаев Х.Д. Профессиональная духовность. Учеб пособия. –Т.: -ТГПУ, -2023, -186 с.
13. Холмирзаев Х.Д. Маданият тарихи, дарслик. –Т.: -2025, -186 б.
14. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. –Т: Фан, 1974. - 344 с.

**“ЗЕМЛЯ, КОТОРАЯ ПРЕВРАТИЛА БЛАГИЕ НАМЕРЕНИЯ В
МИРАЖ, ИЛИ...”**

Холмирзаев Х.Д.,
holmirzayev65@gmail.com.
НацПУУз им. Низами

Аннотация: В данной статье представлен сравнительный анализ социально-культурного уровня жизни этнических узбеков (диаспор), проживающих в Афганистане, и узбеков, мигрировавших в Афганистан после образования бывшего Советского Союза, последовавшего за завоеванием Центральной Азии царской Россией. Изучаются неформальные социально-экономические сети: сохранение патриотизма, общности, близких кровных и семейных связей, языка, традиций и религиозных практик для восстановления этнокультурной идентичности и механизмов адаптации.

Проживание на основе принципа религиозной и культурной терпимости к этническим группам, нациям и народам с разными языками, верованиями и менталитетом на одной территории демонстрирует приоритет социально-экономической стратегии в обществе, а именно культурной интеграции. Кроме того, в условиях ограниченных ресурсов, институц-

иональных барьеров и этнополитической напряженности приоритетной задачей становится сохранение этнокультурных практик при одновременной защите общества от таких явлений, как аккультурация, трансформация и распространение.

Ключевые слова: Этнические узбеки, диаспора, миграция, путешественник, адаптация, социальные, экономические аспекты, стратегия, культура, идентичность, Афганистан: Кабул, Балх, Джалалабад, Фариаб, Сарипул, Кундуз, Тохар, Багилан, Самонган, транснациональные отношения, этнополитические процессы, интеграция, аккультурация, трансформация, распространение.

“The Land That Turned Good Intentions into a Mirage, or.....”

Kholmiraev Kh.D.,
xolmirzayev65@gmail.com.
NPUUz named after Nizami

Annotation: This article presents a comparative analysis of the socio-cultural standard of living of ethnic Uzbeks (diasporas) living in Afghanistan and Uzbeks who migrated to Afghanistan after the formation of the former Soviet Union following the conquest of Central Asia by Tsarist Russia. Informal socio-economic networks are studied: the preservation of patriotism, community, close blood and family ties, language, traditions and religious practices to restore ethnocultural identity and adaptation mechanisms.

Living on the principle of religious and cultural tolerance for ethnic groups, nations, and peoples with different languages, beliefs, and mentalities in one territory demonstrates the priority of a socio-economic strategy in society, namely, cultural integration. Moreover, in conditions of limited resources, institutional barriers and ethnopolitical tensions, the priority task is to preserve ethnocultural practices while simultaneously protecting society from such phenomena as acculturation, transformation and dissemination.

Key words: Ethnic Uzbeks, diaspora, migration, traveler, adaptation, social, economic aspects, strategy, culture, identity, Afghanistan: Kabul, Balkh, Jalalabad, Faryab, Saripul, Kunduz, Tokhar, Bagilan, Samongan, transnational relations, ethnopolitical processes, integration, acculturation, transformation, dissemination.